# Адолатли сайловлар — демократия кўзгуси!

## Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясининг сайловолди дастури

Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи учун XX аср — мустақилликка эришиш ва ўз давлатчилигини қайта тиклашдек эзгу орзу-умидлари ушалган давр бўлди. Халқимизнинг ана шу асрий орзу-умидлари амалга ошиши учун олиб борилган кураш асримизнинг сўнгги ўн йиллигида ўз мантиқий якунини топди — дунё харитасида мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлди. У тарихан қисқа давр ичида мустақилликни мустаҳкамлаш, тараққиёт ва яратувчилик йўлидаги ўз шижоати билан халқаро миқёсда эътироф этилди. Ўтаётган асрнинг айнан ана шу сўнгги ўн йиллигида мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари пойдевори қурилди. Эришилган ҳуқуқий негиз асосида мустаҳкам мафкура ва фаровонлик қарор топган, ҳар томонлама ривожланган баркамол жамият барпо этиш «Ватан тараққиёти» партияси фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

Бу улуғ мақсад ҳар бир фуқародан ижтимоий фаоллик, ватанпарварлик, эзгулик ва адолат идеалларига садоқат, янгиликка интилишни, мамлакатимизнинг барча ижтимоий кучларидан демократикислоҳотларда холис ният ва соф виждон билан қатнашишни талаб этади. «Ватан тараққиёти» партияси айни ана шу мақсадни кўзлаган зиёлилар, тадбиркорлар ва ёшлар ташаббуси билан 1992 йилда ташкил топган эди. У биринчи чақириқ Олий Мажлисга сайловларда ягона муқобил партия сифатида қатнашди. Ташкил топган давридан буён партия мураккаб тикланиш йўлини босиб ўтди ва жамиятни парламент йўли билан ривожлантиришда иштирок этиш борасида муайян тажриба орттирди.

Партиямиз мамлакатни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқиш ва одамлар турмуши буюк аждодларимизнинг васиятларига муносиб бўлишига эришишдек эзгу ниятлар билан XXI асрга пешвоз бормоқда. Партия бу мақсадга эришишнинг яккаю-ягона йўли Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни қарор топтиришдан иборат, деб билади. Айнан шунинг учун ҳам «Ватан тараққиёти» партияси ақлзаковатли, Ватанга содиқ, куч-ғайрат ва шижоатга тўла фозил инсонларни ўз сафларида бирлаштиради, парламент ва маҳаллий вакиллик органларида халқ манфаатлари ва тараққиёт учун самарали фаолият олиб бориш вазифасини зиммасига олади.

«Ватан тараққиёти» партияси ўз сайловолди дастурини амалга оширишда қуйидаги ғояларга асосланади:

**эркинлаштириш** — фуқаролар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият юритиши; фикрлаш ва қарашларини ифодалаш эркинлиги; ўзгача дунёқарашга ва ўзгача фикрловчиларга муроса билан ёндашиш;

**демократия** — Конституциямизда қайд этилган «Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган тамойил асосида ҳокимиятнинг барча бўғинларида сайлаш ва сайловчилар олдида мунтазам ҳисоб бериб бориш тизимига ўтиш, улар устидан халқ назоратини ўрнатиш; ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантиришда кўппартиялилик;

**адолат** — ҳар бир фуқаро ўзидаги яратувчилик имкониятларини рўёбга чиқариши учун тенг шароитлар; кишиларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш; барча мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этиши.

«Ватан тараққиёти» партияси юқорида баён этилган ғоялардан келиб чиқиб ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини сезиларли даражада ошириш учун курашади.

**«Ватан тараққиёти»** партияси сиёсат соҳасида ўзининг бутун куч-ғайрати ва имкониятларини ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлатни мамлакатнинг бундан кейинги узлуксиз ривожланиши кафолати бўлган кучли жамиятга айлантиришга йўналтиради.

Партия қуйидагиларни ўзининг асосий вазифаси деб билади:

— ҳокимиятнинг марказий, маҳаллий органлари билан жамоат ташкилотлари ўртасида ваколатларни тенг тақсимлаш, бунинг учун марказнинг бир қатор ҳуқуқлари ва ваколатларини изчиллик билан маҳаллий органлар ва жамоат ташкилотларига ўтказа бориш;

— давлат ҳокимияти вакиллик, ижро этувчи ва суд бўғинларига ҳақиқий, чинакам бўлинишига эришиш ва уларнинг мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаш, ҳокимият бўғинларидан ҳар бирининг Конституция ва қонунларимиз қоидалари ҳамда талабларига қатъий риоя этиши;

— барча фуқароларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, яъни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги тизимини юксак даражада ривожланган демократик давлатлардаги даражага кўтариш, инсонни сиёсий лоқайдлик психологиясидан халос этиб, уни сиёсий ҳаётнинг фаол қатнашчисига айлантириш.

«Ватан тараққиёти» партияси ўтган давр ичида қабул қилинган қонунларни ишлаб чиқишдаги ўз иштирокини ижобий деб билган ҳолда бу қонунларнинг ижро этилиши қўйилаётган талабларга жавоб бермайди деб ҳисоблайди, ўзининг бу соҳадаги фаолиятини эса қониқарсиз деб билади, қонунларни ижро этиш механизмини ишлаб чиқиш, қабул қилинган қонунлар жамиятда ижобий ўзгартиришлар қилишга қаратилганини ҳар бир фуқаронинг онгига етказишни ўзининг бу соҳадаги асосий вазифалари, деб қарайди.

Партия ҳар бир оила ўзи учун энг камида ўртача турмуш даражасини таъминлайдиган хусусий мулкка эга бўлишга ҳақли деб ҳисоблайди ва мулк дахлсизлигини кафолатловчи, мулкдорнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилишини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш зарур, деб эътироф этади. Партия ана шундай механизмларни яратиш ва уларни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол қатнашади.

**Халқаро муносабатларда** «Ватан тараққиёти» партияси тенг ҳуқуқлилик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, яхши қўшничиликни асосий омиллар, деб билади. «Буюк ипак йўли»ни тиклашга Ватанимиз тараққиётининг гарови сифатида қарайди. «Буюк ипак йўли»ни фақат Марказий Осиё мамлакатларини, Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари минтақаларини туташтирувчи ва бирлаштирувчи коммуникация воситаси сифатидагина эмас, балки иқтисодий-савдо соҳалари қатори сиёсий ва маданий ҳамкорликни ҳам юқори босқичга кўтарувчи ишончли омил сифатида тиклашга интилади.

**Иқтисодиёт соҳасида** «Ватан тараққиёти» партияси қуйидагиларни асосий вазифа деб билади:

— хусусий мулк ва ундан оқилона фойдаланишнинг аҳамияти ниҳоятда катта, демократия эса хусусий мулк ва эркинлик қарор топган жамиятдагина ўрнатилади, деган тамойилни амалда рўёбга чиқариш, хусусий мулкнинг ҳаётдаги ва ишлаб чиқаришдаги устувор мавқеини таъминлаш;

— солиқ солиш тизимини иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий воситаси сифатида тубдан такомиллаштириш;

— ишсизликнинг бош сабабчиси иш жойларининг етишмаслигида эмас, балки аҳолининг мустақил тарзда тадбиркорлик қилишга тайёр эмаслигида, шунингдек, жамиятда илғор меҳнат бозори муносабатларининг ривожланишига халақит қилувчи сабаблар мавжудлигида деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, кичик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун барча имкониятларни ишга солиш ҳамда тадбиркорлик учун имкон қадар энг қулай шароитларни яратиш;

— иқтисодиётнинг самарали ривожланиши уни ҳаракатлантирувчи кучларнинг юксалишига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб тегишли тармоқларни ривожлантиришга давлатнинг эътиборини кучайтириш.

«Ватан тараққиёти» партияси юқорида баён этилган тамойилларни амалга ошириш мақсадида ер ислоҳоти, солиқ солиш тизими, маҳаллий ҳокимият органлари хусусида, кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, давлат хизматига тааллуқли ва бошқа қонунларни такомиллаштириш ҳамда янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларни Олий Мажлис муҳокамасига киритиш ишларида қатнашади.

**Аграр сиёсат соҳасида** «Ватан тараққиёти» партияси қишлоқ хўжалигини мамлакат иқтисодиётининг энг **салмоқли тармоғи** деб ҳисоблайди, унинг устуворлик ролига асосланади ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун курашади:

— ер ислоҳотини ўтказиш;

— шаҳар ва қишлоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўртасидаги нархларнинг номутаносиблигини бартараф этиш;

— қишлоқдаги хўжалик юритувчи субъектларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ва уларни рағбатлантиришга устувор аҳамият бериш;

— қишлоқда деҳқоннинг асосий сиймо бўлишини таъминлаш;

— деҳқонга хизматлар кўрсатиш соҳасида соғлом ва холис рақобатни шакллантириш.

«Ватан тараққиёти» партиясининг маънавият соҳасидаги сиёсати зиёлилар — мамлакатнинг буюк интеллектуал кучи эканлигига асосланади. Партия бу кучдан оқилона фойдаланишни маънавият соҳасида жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишнинг ягона йўли деб билади. Партия фаоллари маънавиятни инсон руҳи ва виждонини поклайдиган, инсонни юксакликка чорлайдиган, унинг ички дунёси, иродаси ва эътиқодини мустаҳкамлайдиган восита сифатида қадрлайдилар.

«Ватан тараққиёти» партияси ўз **амалий фаолиятида** биринчи навбатда қуйидаги вазифаларни ҳал этишга эътибор беради:

— маърифатни тарғиб қилиш;

— оила, мактаб ва жамиятда тарбиянинг ўрни ва мавқеини кучайтириш;

— миллий мафкура самарадорлигини ошириш, фозил инсон маънавиятини шакллантириш;

— ёшлар куч-ғайратини катталар тажрибаси билан пайванд этиш;

— инсондаги янгиликка интилишни тарихий қадриятларга ҳурмат билан уйғунлаштириш, янги асрнинг дастлабки ўн йиллигини — Ўзбекистоннинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини туташтирувчи ўзига хос кўприкка айлантириш;

— «Ўзбекистон — менинг ўз уйим» шиорини иқтисодий ва маънавий мазмун билан бойитиш;

— ижтимоий онгда турли эътиқоддаги кишиларнинг ўзаро муносабатларида бир-бирларига ҳурмат ва муроса туйғусини шакллантириш;

— «Ватан остонадан бошланади» тамойили асосида: шахс — оила — маҳалла — қишлоқ (даҳа) — туман (шаҳар) — вилоят — мамлакат бўғинлари занжирини мустаҳкамлаш; кишиларда ушбу занжирнинг ҳар бир бўғини учун ифтихор туйғусини шакллантириш.

«Ватан тараққиёти» партияси фаоллари барча ватандошларга мурожаат қиладиларки, халқ дарди билан яшовчи, эл ва юрт учун жон куйдирадиган чинакам ватанпарварларни Олий Мажлисга депутат қилиб сайлаш, Ўзбекистоннинг XXI аср сари дадил кириб бориши ва қудрати ошиши сизнинг, бизнинг ва ҳар биримизнинг бўлажак сайловларда фаол қатнашишимизга боғлиқдир. Зотан:

— ҳар бир сайловчининг муносиб номзод учун холис ният билан берадиган овози — кучли демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси демакдир;

— пиру бадавлат отахонларимиз ва онахонларимизнинг овозлари — фарзандларимиз бахт-саодати учун қилинган оқ фотиҳа;

— миллатимиз фахри бўлган зиёлилар овози — демократия тимсолидир;

— ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз бўлмиш ёшлар овози — Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, эркин, демократик, адолатли жамият барпо этиш кафолатидир;

— тадбиркорлар овози — мамлакатимизнинг иқтисодий равнақига қўшилган хайрли ва баракали ҳиссадир;

— хизматчилар овози — тинчлик ва фаровонлик учун амалий мададдир;

— аҳолининг энг хабардор ва фаол қатлами бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг овози — алоҳида салмоққа эгадир.

Ҳурматли сайловчилар! Партиямиз ва Сизлар сайлаган депутатлар сизнинг олдингизда ҳар вақт ва ҳар қачон ҳисоб беришга тайёрдир!

Партиямизнинг кучи ўзининг ҳақлигига ишонадиган, оқ-қорани яхши танийдиган сиз каби инсонлардадир. Партиямиз равнақи учун сизлар ҳамиша бардам ва бахтли бўлинг, сизларнинг бахтингиз учун эса меҳрингиз ва ҳурматингизга сазовор бўлган партиямиз фаоллари омон бўлсин!

***Партия — Ватан учун, Ватаннинг тараққиёти учун!***

# Сайловлар халқимизнинг сиёсий онги, маданияти ва маънавий фазилатларининг ўзига хос намойиши бўлсин!

## «МЕНГА НИМА» ДЕБ БЎЛАДИМИ?

***Шу кунларда деҳқон меҳнатининг тақдири ҳал бўлмоқда. Ҳамма даладаги ҳосилини саранжомлаб олиш билан андармон. Шундай пайтда қулоққа бошқа гап кирадими дейишади айрим «арбоблар». Аммо оддий кишиларнинг суҳбатида бўлсангиз, уларнинг қўллари ишдаю, хаёллари сайловда эканлигига беихтиёр иймон келтирамиз. Ишонмайсизми? Қулоқ тутинг-а улар нималар дейишмоқда.***

— Фалончи ҳали сайлов ҳақида гап йўқ пайтидаёқ депутат бўламан деб чопиб юрувди. Қолиб кетибди-ку.

— Ажаб бўпти, хўб бўпти. Олий Мажлисга депутат бўлсам, туман ҳокимлиги меники деб юрган экан. Энди ҳокимликни тушида кўрсин.

— Қуруққа партиянинг раҳбарига мулозамат қилгани қолди.

— Бу-ку майлия. Анавини айтмайсизми. Ўзича депутат бўламан деб Қаршию Тошкентдан бери келмай қўйди. Ташаббускор гуруҳдан депутат бўлармиш... Ўзини нима деб чоғлайди. Кошки одамлар уни кимлигини билишмаса. Нима эмиш, агар сайланиб қолса, вилоят миқёсида ишга ўтармиш. Беш йил давомида биров мушугини пишт демасмиш.

— Нотавон кўнгил деб шунга айтадилар-да. Ахир ўн йиллаб райком секретари бўлган, ёши ўтиб қолган бўлса-да ўзини йигитлардан зўр деб биладиган сўзамол Фалон Писмадонлар-чи, Олий Мажлисга бир эмас, икки-уч марта депутат бўлишга муносибмиз, деб юргандан кейин улардан нима гина.

— Югурганники эмас, буюрганники... Энди баҳони биз берамиз. Аввалгидай битта номзод эмас. Сайласанг ҳам, сайламасанг ҳам шу, деган гап йўқ.

— Айрим номзодлар шуни билиб, уйма-уй кириб юрган экан-да.

— Ҳа, ҳозир шундай номзодлар ким кимга қариндош, ким кимни гапига қулоқ солади. Кимга нима керак? Шуларни аниқлаш пайида изғиб юришибди. Бир амаллаб ўтиб олишса, бас. Ҳеч нарсадан тап тортишмайди.

— Уялишмаганини.

— Уялмагани майлику-я, қонундан ҳайиқмаганини айтмайсизми?

Ана шунақа. Ким оддий одамлар турмуш ташвишлари билан андармон деса хато қилади. Одамлар ҳамма нарсани кўриб, билиб турибди. Президентимизнинг, Олий Мажлиснинг XV сессиясида айтган сўзлари уларга ёд бўлиб кетган. Сайлов қандай бўлиши керак? Кимлар депутатликка муносиб? Кимни нима учун сайлаймиз? Эртанги кунимиз сайловга боғлиқми?

Мен Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат сайловини ўтказувчи 218-Насаф сайлов округи сайлов комиссиясида бўлганимда одамлардан эшитган ана шу гапларни беихтиёр ёдга олдим. Нега? Чунки округ сайлов комиссиясига келган ҳар бир сайловчи энг аввало қонун ҳақида сўраб-суриштиради. Сайлов комиссияси раиси Ботир Хайруллаев, муовини Ибодулла Норбоев, аъзолари ҳам сайловлар ҳақидаги қонунлар бўйича савол-жавоб қилишарди. Мақсад — масаланинг моҳиятига етиш. Моҳиятига етиш, мағзини чақишга ҳаракат борми — билингки, бундай одамларни алдаш қийин, чалғитиш мушкул. Ваъдалар бериб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш осон эмас. Унинг устига энди сайлов комиссиялари ҳам олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, Олий Мажлис депутатлигига сайлов ўтказувчи 218-Насаф сайлов округи Қарши темирйўлчилар маданият саройида жойлашган. Хонада сайловга оид барча адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, плакатлар бор. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномалари, газета-журналлари мавжуд. Телевизор, радио, алоқа воситалари муҳайё. Энг муҳими, сайлов комиссияси аъзолари мурожаат қилган ҳар бир сайловчига аниқ-тиниқ жавоблар бермоқдалар. Жойларда тушунтириш ишларини олиб бораётирлар.

Хуллас, ҳозир «менга нима» дейдиган вақт эмас. Шу ўринда Шаҳрисабз туманида бўлганимда бир бободеҳқондан эшитган гапни айтишга тўғри келади. У айтгандики, «Менга нима деб бўладими? Ахир сиз билан менинг, бола-чақаларимнинг тақдири ҳал бўлаяпти-я».

Бу деҳқончасига лўнда қилиб айтилган гап. Аммо унинг замирида катта маъно бор. Шундай экан, бефарқ бўлманг, кимки нимага интилаётганини билинг, одил баҳо беринг. Бу сизу бизнинг ҳуқуқимиз, фуқаролик бурчимиздир. Шунда эртага «аттанг», деб қолмаймиз.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БУНИСИ ЎЗГАЧА БЎЛАДИ

***Мамлакатимизда навбатдаги сайловлар жараёнининг муҳим босқичи бошланди. Бу шунчаки сиёсий тадбир эмас, балки халқимиз сиёсий онги, маданияти ва қадриятларининг ўзига хос бир намойиши бўлади. Яъни, мазкур жараён ўзбек халқининг ўзлигини яна бир бор намоён этишнинг бир шакли ҳамдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократия бобида орттирган тажрибаларимизни, демократия тамойиллари ҳаётимизга қанчалик кириб бораётганини, аҳолимизнинг сиёсий савияси нечоғлик юксалганини бутун дунёга яна бир бор кўрсатадиган имконият ва синов бўлади».***

Шунингдек, бу сайлов халқимизнинг маданияти даражасини синовдан ўтказувчи сиёсий жараёндир. Энди ўзбек халқи ҳам эркин ва мустақил фикрлаш ҳамда сўзлаш ҳуқуқига эга, озодлик нашидасидан баҳраманд бўлган, ўз эрки қўлида, жисм қуллиги ва фикр қарамлигидан озод шахслардир. Шундай экан, бугунги халқ бундан саккиз йил бурунги халқ эмас. У энди сиёсий жараёнларга бефарқ эмас, балки мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсида бўлаётган сиёсий воқеа-ҳодисаларни сергаклик билан мушоҳада этадиган, теран фикрли инсонлардир. Албатта, бундай сиёсий онги юксак фуқаролик жамиятида сайловларга муносабат ҳам онгли равишда бўлиши табиий. Сайловда онгли равишда иштирок этиш билан биз ҳам жаҳон тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшиш имкониятига эга эканлигимизни яна бир бор намойиш қиламиз.

Бизнинг мустақиллик даврида ўтаётган сайловларимиз шўроча сайловлардан кескин фарқ қилади. Бугун халқнинг сайловга ва сайланувчига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Сайловларга шунчаки сиёсий тадбир сифатида эмас, балки инсон тақдирини ҳал қилувчи олий имконият тарзида муносабатда бўлиш шаклланди. Очиғи, мустақиллик давридаги сайловларимизни жаҳон жамоатчилиги эътироф этиб, бизга умид ва ишонч назари билан қарамоқдалар. Мазкур сайловларимиз ана шу ишончни яна бир бор мустаҳкамлаш, халқимизнинг эркинлиги, озодлиги ва мустақиллигини намойиш этишда катта имконият яратади.

Сиёсий онглилик, сиёсий маданият жамият тараққиёти учун қувват манбаларидан саналади. Унинг пойдевори дастлаб оилада қўйилади. Шунинг учун ҳам сайловларимизнинг юксак сиёсий савияда ўтишида оиланинг ҳам муҳим ўрни бор. Шу маънода, юртимиздаги ҳар бир оила учун ҳам синов пайти бошланди. Биз ана шу муқаддас гўшада шахс имкониятини шакллантира бориб, жамиятга дахлдор ҳар қандай муаммонинг аввало, оилада ўз ечимини топишига эришишимиз лозим бўлади. Кишиларнинг сайловларда онгли равишда иштирок этишлари учун оила аъзоларининг ижтимоий фаоллигига эришиш керак. Бунинг учун оила бошлиғи ёки унинг тарбиячиси сайлов ва унинг моҳияти ҳақида тўғри тушунчага эга бўлиши ва улар мазкур сиёсий тадбирнинг аҳамияти ҳақида оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри тушунча бера олишлари лозим. Уларнинг сиёсий фаоллиги оила аъзоларининг сиёсий фаол бўлишида ижобий таъсир этади. Оиладан бошланган сиёсий юксаклик ва фаоллик жамиятда сиёсий маданиятнинг юксак бўлишига ҳамда сиёсий фаолликнинг ошишига олиб келади. Бунинг учун оилада тарбиявий ишларнинг самарали шакл ва услубларидан унумли фойдаланиш керак. Чунки оилада якдиллик асосида чиқарилган қарор тўғри ва ҳаққонийлиги билан қимматлидир. Айни пайтда фуқароларнинг онглилиги ва сайлов жараёнларида тўғри йўл танлашлари эса оиладаги тарбиявий ишлар натижасига боғлиқ. Бизнингча матбуот, оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радио ходимлари сайловлар ҳақидаги кўрсатув ва эшиттиришларнинг моҳиятини оиланинг ҳар бир аъзоси тушуниб етишига аҳамият беришлари зарур. Бунинг учун фуқароларнинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши, жинси, миллати, маълумотлилик даражаси, касби ва ҳоказолардан қатъий назар, барча тоифадаги кишилар учун тушунарли бўлган кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этилмоғи керак. Зеро, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг сайловда бевосита қатнашиб ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига эришиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Назаримизда, бу галги сайловларнинг сиёсий кўтаринкилик ва фаоллик руҳида ўтишида маҳалла (қишлоқ) фуқаролар йиғинларининг ҳам ўрни катта. Шундай экан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари сайловларнинг муҳим сиёсий тадбир эканлиги ва унинг мазмун-моҳияти жиҳатидан аввалгиларидан кескин фарқ қилишини фуқаролар онгига сингдиришнинг самарали йўлларидан фойдалансалар, айни муддао бўлур эди. Халқимизда азалдан чойхона, гузар, гап-гаштаклар тарғибот ва ташвиқотнинг шарқона усулларидан ҳисобланиб келинган. Шунинг учун ушбу тарғибот шаклидан ҳам ўз ўрнида самарали фойдаланиш зарур. Негаки бу галги сайловларимизни бутун дунё сиёсатчилари ҳам қизиқиш билан кузатишади. Ўзбекистонда ўтаётган сайловлар жараёни жаҳон андозалари даражасига тўла жавоб бериши билан аввалгиларидан ажралиб туради.

Табиийки, ушбу сайловлар жараёни халқ томонидан ишонч билдирилаётган номзодлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Чунки улар сайловолди дастурлари билан одамлар ва жамоалар кўнглига йўл топа олишлари керак. Собиқ совет даврида номзодларнинг сайловолди дастурлари хўжакўрсинга тузилар эди. Бугун эса номзодларнинг давлат ва жамият тараққиётига, миллат фаровонлигига чинакам хизмат қиладиган ғоялар, ташаббуслар, лойиҳалар ва таклифлар билан чиқишлари кутилмоқда. Эндиликда халққа ҳавойи ваъдалар эмас, амалий таклифлар керак. Озод ва обод юртимизни янада тараққий эттириш учун фидойилар керак. Шу маънода, номзодларнинг сайловолди дастурлари долзарб ғоялар, фикрлардан иборат бўлиши, оддий фуқародан тортиб, энг юқори раҳбар шахс манфаатларини ифодалаши зарур.

Сайлов жараёнининг аввалгиларидан кескин фарқ қиладиган яна бир муҳим жиҳати, битта депутатлик ўрнига бешта партия, ҳокимлик вакиллик органи ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзодлар тавсия этилишига имконият яратилганлигидадир. Бу ҳол демократиянинг илғор намуналаридан бўлиб, амалиётга тадбиқ этилди.

Бу галги сайловлар натижалари жамиятимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқиш учун улкан омил бўлади. Бу жараёндаги сиёсий фаоллигимиз жамиятимиз тараққиётининг янги босқичига пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, ҳар биримиз оилада, маҳалла, хизмат жойида ва жамиятда ўтаётган сайлов жараёнининг фаол тарғиботчисига айланишимиз лозим. Сайловнинг адолатли ўтишида ҳар бир фуқаро масъул эканлигини унутмаслигимиз керак.

Бу сайлов ўзгача бўлади. Чунки биз унда янги — XXI асрдаги тақдиримиз ва тараққиётимиз учун овоз берамиз.

Бу сайлов ўзгача бўлади. Унда биз XXI аср бўсағасида сиёсий савиямиз, онгимиз ва маданиятимизни намойиш этамиз.

**Ойниса АЛЛАЁРОВА,**
**профессор.**

**Яқинда Давлат Тест марказининг бу йилги 1-сон бюллетени нашрдан чиқди. Ўзига хос бу тадқиқот бошдан-оёқ бир муҳим масалага — республика олий ўқув юртларида таълим сифати таҳлилига бағишланган.**

**Сифат — моҳият эътибори билан, ҳозирги тараққиётимиз учун алоҳида аҳамиятли тушунча. Мустақиллик бизга сифат жиҳатидан юксак ижтимоий турмуш тарзига эришиш имкониятини берди. Бунинг учун эса ҳаётда кўп нарсани ўзгартириш, жумладан, янги моҳиятли давлат ва жамиятни барпо этадиган том маънодаги замонавий кадрларни вояга етказиш зарур бўлади.**

# ТАЪЛИМ СИФАТИ ТАҲЛИЛИ

Кадрларни эса таълим даргоҳлари етиштиради. Демак, мамлакатимиздаги таълим тизимини ҳам шу улуғвор мақсадлар асосида янгилаш, уни халқаро андозалар даражасига кўтариш талаб қилинади. Бундай янги таълимнинг асосий йўналишлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган.

Хўш, бу жабҳадаги ислоҳотлар, саъй-ҳаракатлар қандай самара бераяпти? Юқорида биз эслаган «Бюллетень» бу масалага, олий таълим фаолияти мисолида, муайян жавобларни беради. Янада аниқроғи, унда Давлат Тест маркази қошидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан республика олий таълим тизимида ўтказилган аттестациянинг натижалари, улардан чиқарилган атрофлича илмий-амалий хулосалар баён қилинган.

Таълим тизимида ўтказилаётган давлат аттестацияси вақтинчилик бир тадбир эмас, балки бундан кейин ҳам мунтазам давом этувчи жараёндир. Бошқарма фаолият кўрсатаётган даври мобайнида республикамизнинг 32 та олий ўқув юртида ҳамда 100 дан ортиқ коллежларда аттестациялар ўтказилди.

Давлат аттестацияси жараёнида 3 хил натижа аниқланиши мумкин: аттестациядан ўтган ўқув юртлари давлат аккредитациясига тавсия этилади ва улар ўз фаолиятларини давом эттириб, ютуқларини янада ривожлантиради; давлат аттестациясидан шартли равишда ўтган ўқув юртларига ўз фаолиятларида йўл қўйган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун бир йил муҳлат берилади ва шу муддатдан кейин улар қайтадан аттестация қилинади; давлат аттестациясидан ўта олмаган ўқув юртларининг эса мақоми пасайтирилади ёки уларнинг фаолияти тўхтатилади. Демак, кўриниб турибдики, Давлат аттестацияси бошқармаси назорати бор экан, ўқув юртлари жамоалари ўз даргоҳларида таълим сифатини мунтазам яхшилаб бориш тўғрисида ўйлашга мажбурдир. Бу — давр талаби.

Бюллетенда таъкидланганидек, ўтказилган Давлат аттестацияси жараёнида олий ўқув юртлари фаолиятида ижобий силжишлар борлиги кузатилган. Давлат аттестациясидан ўтказилган 32 та олий ўқув юртидан 20 таси аттестациядан ўтди ва улар давлат аккредитациясига тавсия этилди. Аниқланган камчиликларга кўра, 12 та олий ўқув юрти шартли равишда ўтишга тавсия этилди. Бу ўқув юртлари ўзларида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётганликлари кўрсатиб ўтилди.

Турли вазирликлар бўйича рейтинг жадвали таҳлил этилганда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлари нисбатан ҳозирги кун талабларига жавоб бериши аниқланди. Маданият ишлари ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари тасарруфи-




даги олий ўқув юртлари олдида зудлик билан бартараф этилиши зарур бўлган жиддий муаммолар турибди. Булар қандай муаммолар? Бюллетендаги таҳлил билан танишган киши бу саволларга аниқ жавоб топади.

Энг яхши олий ўқув юртларида талабалар таълимини сифатли уюштириш учун деярли барча замонавий шарт-шароитлар яратилган. Айрим далилларга мурожаат қилайлик. Масалан, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида педагогик кадрларнинг деярли 80 фоизи юқори малакали фан докторлари ва фан номзодларидир. Шунингдек, бу ўқув даргоҳида ҳар 7 нафар талабага биттадан компьютер тўғри келади. Агар республикада ҳозирги кунда ўрта ҳисобда ҳар 20 нафар талабага 1 та компьютер тўғри келиши инобатга олинса, демак Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабаларнинг компьютерлар билан таъминланиши 3 баробар яхши йўлга қўйилганлиги аён бўлади. Бунинг устига, бу ўқув юртида битирувчи талабалар аукцион (кимошди) орқали ишга тақсимланади. Бу омил эса талабаларнинг кўз ўнгида юз бериб, уларнинг ўз истиқболларига талабчанлик билан қараш масъулиятини уйғотади. Бунинг устига, худди шу тадбир туфайли институт ҳар йили 4 миллион сўм маблағ тушумига эга бўлмоқда.

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида ҳам педагог кадрларнинг малакаси анча баланд. Бундан ташқари, бу ерда барча фанлар бўйича улкан тест жамғармасидан фойдаланилмоқда (20 мингдан ортиқ тест материаллари компьютерларга киритилган). Бу институтда республика аҳамиятига молик тиббиёт мавзуидаги илмий журнал мунтазам чиқиб турибди. Бундан ташқари, институтда чет эл кутубхоналари ва тиббиёт олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бундай омиллар, табиий равишда, институтда талабаларнинг билим олиш ва малака ҳосил қилиш даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, кўпгина институтларда педагог кадрлар савияси талаблар даражасида эмас. Айрим ўқув юртларида баъзи кафедраларда фан доктори у ёқда турсин, фан номзодлари ҳам йўқ. Шунингдек, 60-70 нафар талабага биттадан компьютер тўғри келадиган ўқув юртлари бор. Уларда янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилмаган, дарсликлар ва қўлланмалар етишмайди. Бундай ночор шароит таълим сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади, албатта. Бюллетенда мазкур институтларнинг аҳволи атрофлича таҳлил этилган ва улардан жиддий хулосалар чиқарилиши шарт.

Хуллас, Давлат Тест маркази чиқарган бюллетень билан танишган ўқувчилар, мутахассислар, тегишли ташкилотлар ва муассасалар вакиллари, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилик бамисоли республика олий таълим тизимига доир ёрқин кўзгуни қўлга олгандай бўладилар. Бу кўзгуда ҳамма нарса равшан: олий таълим тизимидаги янгиликлар ҳам, диққатга сазовор ютуқлар ҳам, олдинда турган муаммолар ҳам...

Бу кўзгунинг мезони — ҳалоллик, ростгўйлик. Тадқиқот шу хосияти билан қимматли ва илмий-амалий аҳамиятлидир.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР

**— Ўзбекистон нотариуси чет элда тузилган ҳужжатларни қабул қиладими?**

**Абдурашид МАМАТҚУЛОВ,**
**Сирдарё вилояти.**

— Нотариус тўғрисидаги Қонуннинг 91-моддасига биноан, чет элда бошқа давлатлар ваколатли органларининг мансабдор шахслари иштирокида тузилган ёки улардан келаётган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ташкилоти расмийлаштирган тақдирдагина нотариус томонидан қабул қилинади.

Бундай ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда расмийлаштирилган ҳолида нотариус томонидан қабул қилинади.

**— Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчиларга кимлар киради?**

**Ҳамиджон ТЎХТАМУРОДОВ,**
**Бухоро вилояти.**

— Солиқ Кодексининг 105-моддасига мувофиқ ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олиниши, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

**Жавобларни ҳуқуқшунос Эркин МАВЛОНОВ тайёрлади.**

*Хотира*

## МАШИНАСОЗЛИК ИЛМИНИНГ ЗАҲМАТКАШИ

Марказий Осиёда машина ва механизмлар назарияси фанининг асосчиси, Республика Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, қатор халқаро илмий ташкилотлар аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Ҳалим Усмонхўжаев ҳаёт бўлганларида бугун 80 ёшга тўларди. Зукко олимни хотирлаб Фанлар академиясининг Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳамда Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида илмий конференциялар ўтказилди.

Ҳ. Усмонхўжаевнинг машинасозлик илмига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. У яратган динамик ҳолда ишловчи кинематик жуфтлик назарияси, Виллис формуласининг умумлашган шакли, ўзгарувчан ўлчамли эпициклик ва ротацион механизмлар назарияси каби илмий ютуқлар машина ва механизмлар назарияси фанини салмоқли даражада бойитди.

Ватанимиз илм аҳли домланинг 300 дан зиёд илмий ишлари, монография ва рисолалари чоп этилганлигини, 30 дан зиёд фан номзодларини, 10 га яқин фан докторларини тайёрлаганликларини жуда яхши билишади. Шуни чуқур эҳтиром билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва МДҲ давлатларидаги юзлаб йирик олимлар, академиклар, фан арбоблари домлани ўз устозлари деб биладилар.

Академик қаламига мансуб «Машина ва механизмлар назарияси» дарслиги бир неча марта қайта чоп этилиб, ҳозирда ҳам олий ўқув юртларида асосий дарслик сифатида қўлланилмоқда. Домла яратган илмий мактаб давлатимиз машинасозлигининг барча соҳаларида салмоқли янгиликлар яратишга имкон бераётир.

Устоз отангдан улуғ, дейишади. Устозимиз, машинасозлик илмининг атоқли намояндаси Ҳ. Усмонхўжаев таъмал тошини қўйган илмий йўналиш бугун шогирдлари томонидан давом эттирилмоқда.

**А. АБДУҒАФФОРОВ,**
**доцент.**

*ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ*



## ШОМАНСУР ОТАНИНГ УЗУМЛАРИ

*Сиз суратда кўриб турган нуроний отахон Шомансур Шоназаров Қибрай туманидаги «Турон» жамоа хўжалигида истиқомат қилади. Шомансур ота узоқ йиллар ошпазлик қилиб элга танилган. Айни пайтда 100-баҳорни қаршилаган бу пиру бадавлат отахоннинг 10 та фарзанди, 50 нафар набираси бор. Чеваралари эса отахон санамайди. Баракаси кетаркан. Отахон юзга кирибман, деб бекор ўтирмайди. Ўзининг боғи бор, боғбонлик қилади. Ноябрнинг сўнгги кунлари — қиш эшик қоқиб турган бўлса-да, ихлос қилиб, отахон ҳузурига борсангиз, у киши сизни ўзининг сарҳил узумлари билан меҳмон қилади. Бундай ажойиб сурурни ҳис қилганлар эса, албатта, узоқ яшайди...*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

**Бу гўзал сатрни улкан адиб Асқад Мухтор абадийлик саҳифасига ёзиб кетган. Келажак йўли ойдин, ғайрат-шижоатга тўлиб-тошган, ўқиш-изланиш истаги билан яшаётган ўн нафар талабага қараб хаёлимдан ўша сатр ўтаверди:**

**Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!**

## ЭҲ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1999 йилги Президент стипендиантларини эълон қилди. Булар — Гўзал Хўжаева, Жаҳонгир Нурмуҳамедов, Азизжон Ризаев, Саида Рафиқова, Шоҳимардон Мусаев, Шуҳрат Исмоилов, Азамат Суюмов, Гули Эргашева, Фарҳод Муродов ва Дилшод Ғоиповлар.

Президентнинг махсус стипендиясига муносиб топилган ушбу талабаларни республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов қабул қилди.

Ҳавасингиз келади бу ёшларга. Ота-боболаримиз неча-неча асрлар орзу қилган замонларга етди. Қарийб 400 минг талаба ўртасида ўтган танловда ғолиб чиқиб, Президент стипендианти бўлиш бахтига мушарраф бўлган бу ёшларга қараб қувонмай бўладими?

Мукофот топширилгандан кейин талабалар билан суҳбатлашдик. Улар камида биттадан хорижий тилни билади. Шуҳрат Исмоилов — инглиз, француз тилларида эркин гаплашади. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноати институти талабаси. Тошкент давлат иқтисодиёт университети толиби Фарҳод Муродов инглиз, испан тилларини ўрганган. Жаҳонгир Нурмуҳамедов инглиз тилини пухта билади. Тошкент темир йўллар транспорти муҳандислари институтининг «Темир йўллар ишини бошқаришни автоматлаштириш» факультети транспорт воситаларидан фойдаланиш бўлимида таҳсил олади. 1998 йилда Беруний номидаги стипендия билан ўқиган. Орзулари бир дунё. Англия, Японияда каби учқур поездларни Ўзбекистонда кўриш орзусида. Унинг ҳикоя қилишича, «Тошкент–Самарқанд» йўналиши бўйича тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилса, одамлар Самарқанддан Тошкентга бир соатда етиб келади. Соат 9 дан 6 гача ишлаб, яна қайтиб кетишлари мумкин.

Азизжон Ризаев Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ўқийди. Қувайтда ишлаш орзусида. Бундан ташқари, эски ўзбек ёзувидаги ноёб китобларни янги лотин ёзувига ўгириш нияти бор. Яна бир жиҳати мустақиллигимизнинг мевалари бўлмиш лицейларда таҳсил олган. Сайловларда илк бор иштирок этишади. Сайловни эртанги кунимизга қўйилган тамал тоши, маънавиятимиз, маданиятимиз, огоҳлигимиз синови деб биладилар.

Ёшлар билан бўлган гурунгимиздан ажиб бир шижоат, баҳра туйдик. Улар билан яна учрашиш нияти билан хайрлашдик. Хаёлимдан эса яна устоз шоирнинг ҳавас ила айтган сатрлари ўтди:

Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!

**А. ЖЎРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ПОЛОНЕЗ»НИНГ КЎРГАЗМАСИ

Самарқанд вилояти болалар ва ёшлар ижодий саройида «Полония» деб номланган бадиий кўргазма очилди. Уни Польшанинг «Полонез» маданий маркази ташкил этди. Самарқандлик мўйқалам усталари Александр Галан, Мария Бохан, Елена Ларина, Наталья Серебенниковалар яратган асарлар ўзининг жозибадорлиги, янги услуби билан рангтасвир мухлисларида катта таассурот қолдирди.

Кўргазманинг очилишида Польшанинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси консули Александр Федорович ҳозир бўлди.

**А.САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*ҲОКИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!*

**ИХТИСОСЛАШГАН ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ**

**"Асака" банки**

*сизга қуйидаги хизматларни тақдим этади:*

1) *аҳоли омонатлари бўйича оширилган фоиз ставкаларини:*

| Омонат тури | 1.11.99 йилдан % ставкалари | Бекор қилинган % ставкалари |
|---|---|---|
| *Талаб қилиб олгунча* | йиллик 14 % | йиллик 5% |
| *«ОРЗУ» (3 ойдан кам бўлмаган муддат билан)* | ҳар ойда 2,5% | ҳар ойда 2,5% |
| *Муддатли:* | | |
| - 6 ойдан 1 йилгача | йиллик 30% | йиллик 20% |
| - 1 йилдан 3 йилгача | йиллик 35% | йиллик 30% |
| - 3 йилдан 5 йилгача | йиллик 50% | йиллик 40% |
| - 5 йилдан ортиқ муддат билан | йиллик 70% | йиллик 50% |

2) *фоизларни ҳар ойда ҳисоблаб ва уларни ҳисоб рақамлардаги қолдиқларга қўшиш билан 34% йиллик ставкадаги депозит пластик карточкаларни. Ўз омонат маблағларингизни тез ва истаган вақтингизда олишингиз мумкин.*

ASAKA BANK

**700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67.**
**Тел.: (371) 1208391, 1208392, 1208382.**
**Банк филиаллари-Нукус шаҳри ва ҳамма вилоят марказларида.**

2285-1


Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси комиссия Котибияти катта референти Р. Абдуназаровга акаси
**Ҳаббулла АБДУНАЗАРОВнинг**
бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси, Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси жамоаси бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп киновидео фильмларни прогноз қилиш, шакллантириш ва тематик режалаштириш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Мусажоновга рафиқаси
**Мамлакат МУСАЖОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат саноат ишлари хавфсизлиги ва тоғ-кон назорати қўмитаси жамоаси ишлар бошқаруви бошлиғи Баҳодир Саидовга волидаи муҳтарамаси
**Ўғилой САИДОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти биноларни техник рўйхатдан ўтказиш кадастр бюроси жамоаси Тошкент вилояти биноларни техник рўйхатдан ўтказиш кадастр бюроси бошлиғи Валихўжа Қодировга падари бузруквори
**Рихсихўжа ҚОДИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


WWW.CER.UZ (Иқтисодий ахборотнома)
ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ
CER

Ўзбекистонда энг нуфузли тўла рангли нашр

**2000 йил (мавзулари)**

- Рангли металлар жаҳон бозорида
- Туризм соҳасида хизмат кўрсатиш бозори
- Тиббиёт соҳасида хизмат кўрсатиш бозори
- Internet провайдерлари
- Уй-жой бозори

**Мақолалар**

- Иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш жаҳон тажрибаси
- Иқтисодий тараққиётнинг долзарб масалалари
- Бизнес муаммолари ва уларнинг ечими

**Телефонлар:**
"Матбуот тарқатиш маркази": 133-67-71
"Матбуот тарқатувчи": 34-85-99, 34-76-08
"Мастер-Пресс": 136-35-73
"Калеон": 67-18-94.

© CER Advertising
2288

**«TORSUNA INTERNATIONAL TRADING AG» (Швейцария)**
таклиф этади
**AOKI TECHNICAL LABORATORY, INC. -**
Япония фирмасининг PET-сиғимлар ва PET-ҳажмлар ишлаб чиқарувчи дунёдаги машҳур универсал машиналари;
30 турдан зиёд турли хил классдаги барча шакл ва ҳажмдаги
**шиша, банка, стакан, контейнерлар**
ишлаб чиқарувчи универсал машиналар мавжуд.
Бу ҳажмлар алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, табиий шарбатлар, ўсимлик мойи, озиқ-овқат, зираворлар, жем, музқаймоқ, конфет ва бошқа нарсалар учун мос келади.
Шунингдек, улар фармацевтика, кимё саноатида бўёқ моддалари, ювиш воситалари ва косметика, парфюмерия маҳсулотлари учун ишлатилади.
***АОКИ машиналари фойдаланишда оддий, қулай ва ишончлидир. АОКИ фирмаси ўрнатиш, созлаш, кафолатли хизмат ва сервис хизматини таъминлайди.***
*Torsuna International AG*
*Тамарахоним кўчаси 7, 700000, Тошкент, Ўзбекистон (Ваколатхона)*
*Тел. 998-71-137-06-66*
*Факс 998-71-133-06-66*
pressa@online.ru



2307



**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0911, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.40*
1 2 3 4 5 6